



Муносабат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ барпо этишда мақсадларимиз муштарак



Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Юртимизни янада ривожлантириш, халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, халқимизга муносиб турмуш шароитлари яратиш, бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 34 йиллик айёмини “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” эзгу ғояси асосида нишонлаётганида ҳам рамзий ифода бор.

САНЪАТ

МИЛЛАТНИНГ
МАДАНИЙ ҚИЁФАСИНИ
НАМОЁН ҚИЛАДИ



Республикада мусиқа санъати бўйича ўқиб, профессионал мутахассис бўлишга эҳтиёжманд бўлган ёшларнинг сони тобора ошиб бораётганини ҳисобга олиб, Нукус шаҳрида Ўзбекистон давлат консерваториясининг филиали барпо этилди. Шунингдек, республика бўйича вокал санъати айнан қорақалпоқ ёшлари ўртасида кузатилаётганини назарда тутиб, Нукус шаҳрида Ёш опера хонандалари ва бахшилар мактаби очилди. Бугунги кунда мана шу иккита таълим даргоҳида замонавий ўқув амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, унда самарали натижалар кузатилмоқда.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

№ 28 (1545) 2025-YIL 18-IYUL, JUMA

adolat24.uz/

t.me/Gazeta_Adolat

Фракция йиғилиши



СУД МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ чоралари янада кучайтирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида суд мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш чораларини янада кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўққинлик қилаётган омилларни бартараф этиш, фуқароларнинг адолатли судга бўлган ишончини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан суд ишларини ҳал этишга аралаш, яъни муайян ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилишига тўққинлик қилиш ёки адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга ёки

халқ маслаҳатчисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик учун белгиланган жиноий жавобгарлик чоралари такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, нафақат суд мажлиси пайтида, балки суд биносида судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасидаги нормалар судьялар мустақиллиги кафолатларини янада кучайтиришга ҳамда судьяларнинг фаолиятига ҳар қандай

аралашувларнинг олдини олишга қаратилган.

Муҳокамаларга бой бўлган йиғилишда қонун лойиҳасидаги нормалар атрофлича кўриб чиқилди. Хусусан, депутат Зухриддин Мавлонов қонун лойиҳасидаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар кўтарилган саволлар бўйича батафсил тушунтириш беришди.

Савол-жавоблар ва муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

ЖИЗЗАХ: амалий ўзгаришлар ва юксак натижалар



Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг марказида инсон, унинг қадрини юксалтириш ва ҳаёт сифатини оширишдек эзгу мақсад туради. Бугун мамлакат тараққиёти фақат статистик рақамлар билан эмас, балки ҳар бир фуқаронинг турмушида кўзга кўринган, юракдан сезилган ўзгаришлар билан ўлчанмоқда. Шу боис очиқлик, самарадорлик ва жавобгарлик тамойиллари асосида жойлардаги реал ҳолатни ўрганиш, аҳоли фикрига қулоқ тутиш — давлат ва жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамловчи муҳим кўприкка айланмоқда. Ана шундай ёндашув асосида “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Робахон Махмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Жиззах вилоятида бўлиб, аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий эҳтиёжларини, давлат ва суд органлари фаолиятидаги очиқлик мезонларини ўрганди.

Энди одамларнинг муаммоси қоғозда ҳал қилинмайди. Янги тизим “МАҲАЛЛА – ТУМАН КЕНГАШИ – ВИЛОЯТ КЕНГАШИ – СЕНАТ”дан иборат бўлади. Муаммо ҳал бўлмаса, шу занжир бўйича юқори органларга етиб боради. Кенгашлар ўз ҳудудидаги энг долзарб масалаларни Сенат муҳокамасига олиб чиқиши мумкин бўлади. “Маҳалла еттилиги” + депутатлар дастурларини бирга тузади, самарали ҳамкорлик йўлга қўйилади. Бу янги механизм – муаммо қаерда пайдо бўлса, ўша ерда ечим топилади, дегани.

– Дастлаб масъул идоралар билан ҳамкорликда ҳолатни батафсил ўрганиб чиқиб, Олий суд томонидан ташкил этилган сайёр қабулга киритдик, – дейди Гулруҳ Агзамова. – Шунингдек, мурожаат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими томонидан назоратга олинишига эришдик. Кўрилган чоралар натижасида Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Киберхавфсизлик бошқармаси томонидан фирибгарлар шахси аниқланди ва тегишли жиноий жавобгарликка тортилиши таъминланди. Энг муҳими, уй ўз эгаларига қайтарилди.

ЕТУКЛИККА

КИТОБСИЗ
ЭРИШИБ
БЎЛМАЙДИ



Қиш кунларида совуқ хонада дарс қилардим. Деворга жаҳон харитаси осилган бўлиб, тарихдан дарс қилганда, картадан зарур давлат ва шаҳарларни кўрсатиб, мавзуларни астойдил такрорлар эдим. Ҳар қандай одамда ҳам дангасалик бўлади. Ҳамма гап уни енгилда. Баъзан секингина печка ёқишга тутинардим, печка қизий бошлагач: “Ўтириб дарс қилсам-чи?” деган савол туғилар, кейин ётиб ўқиш истиази пайдо бўлар, печка иссиғи элитганидан уйкуга кетганимни ўзим ҳам билмай қолар эдим. Ана шу лаҳзада хонага онажоним кириб келар:

– Болам, сен университетга кирмоқчи, олим бўлмоқчи эдинг-ку... Бу ухлашда қандай олим бўласан? – дея саволга тутарди.

Уялиб кетганимдан ухлаб қолмаслик учун юриб ўқирдим. Кейин дарсга қизиқиб кетганимдан вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қолардим. Шу тариқа 7-10 синфлар давомида тўрт йил ҳар тонгда уч соатдан тайёргарлик кўрдим. Меҳнатларим зое кетмади, ниятимга етдим.

ЖИЗЗАХ: амалий ўзгаришлар ва юксак натижалар

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ барпо этишда мақсадларимиз муштарак

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТЛИ СУД – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

1 Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари Жиззах вилоят судидан бошланди. Партия етакчиси таъкидлаганидек, “адолат” тушунчаси ҳар бир фуқаро онгида, аввало, одил ва ҳолис судлов жараёнини гавдалантиради, зеро, суд — ҳақиқат излаган инсоннинг сўнги умид масканидир. Шу нуктаи назардан, суд раҳбарияти ва ҳодимлари билан бўлган очиқ мулоқотда суд-ҳуқуқ тизимининг жойлардаги реал аҳоли, судьяларнинг мустақил қарор қабул қилиш имкониятлари ва фуқаролар ишончига таъсир этувчи омиллар атрофлича таҳлил қилинди.



Вилоят суди раиси Акрам Шукуров партия ташаббуси билан илгари сурилаётган “Судьялар мақоми тўғрисида”ги қонун ва судлар ихтисослашувини кенгайтириш тақлифлари суд ҳокимиятини янада мустақил ва таъсирчан тузилмага айлантиришини қайд этди.

Мулоқотда судья Азамат Абдусатторов кредит ундирув ишларининг жиноят судларидаги улуши ортиб бораётгани, бу эса судларнинг банклар манфаатини ҳимоя қилувчи воситага айланиб қолиши хавфини туғдираётганини таъкидлаб, бундай ишларни иқтисодий судларда соддаштирилган тартибда қўриш бўйича қонунчиликка ўзгариш киритиш тақлифини берди. Шунингдек, Жиззах вилоятда кибержиноятчилик билан боғлиқ молиявий йўқотишлар 60 фоизгача етгани жиддий хавотир уйғотиб, бу соҳада ҳуқуқий механизмларни қатъийлаштириш зарурати мавжудлиги таъкидланди.

Партия етакчиси ушбу ҳолатларни алоҳида ўрганиб, ҳуқуқий механизмларни чуқур таҳлил қилиб, тегишли қонунчиликка тақлифлар киритиш устида иш олиб борилишини билдирди.

МАҲАЛЛА – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖРОЧИСИ

Ишчи гуруҳнинг кейинги манзили Зарбдор туманидаги “Лалмикор” маҳалласи бўлди.

Айтиш жоизки, бугун Ўзбекистонда маҳалла давлат ва халқ ўртасидаги амалий кўприкка айланмоқда. Бунинг ёрқин мисолини мазкур маҳалла фаоллари фаолиятида кўриш мумкин. Президентимизнинг ўтган йилги таширфидан сўнг бу ерда янгиланишлар жадал тус олган. Ишчи гуруҳ “маҳалла еттичилиги”нинг аҳоли билан ҳамкорлиги, хусусан, томорқачиликни ривожлантириш орқали ижтимоий-иқтисодий масалалар қандай ҳал этилаётгани билан танишди.

Маҳалладаги “Энг яхши томорқачи” кўрак нишончи соҳиби Ҳасанов Аҳмедова хонадонидан бўлган Робохон Махмудова унинг 15 сотихли иссиқхонадан олаётган 7–8 миллион сўмлик даромади, “устоз-шоғирд” анъанаси асосида маҳалла аёлларига тажриба ўргатаётгани кичик тадбиркорлик орқали ҳам иқтисодий барқарорликка эришиш мумкинлигининг исботи эканини таъкидлади.

Партия етакчиси иштирокидаги самимий учрашувлар асосида “Адолат”чилар сафига бўлиш истagini билдирган Ҳасанов Аҳмедова, шунингдек, ижтимоий масъулият билан ўрнак бўлаётган бир неча “маҳалла еттичилиги” аъзолари “Адолат” СДП сафига қабул қилинди.

ИМКОНИЯТДАН ТАШАББУСГАЧА

Маълумки, жорий йил 15 май куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар таътилини мазмунли ташкил этиш, уларнинг бўш вақтини самарали йўналтириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Ушбу стратегик ташаббус – “Долзарб 90 кун” дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида партия етакчиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ Зарбдор туманидаги 12-умумтаълим мактабиди бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур таълим даргоҳида таълим сифати, тарбия ва таътилдаги фаолият ўртасидаги муносиблик самарали йўлга қўйилган.

Ўтган ўқув йилида 12 нафар битирувчининг 12 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган, 4 нафари маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига жалб этилиб, 100 фоиз бандлик таъминланган. Шунингдек, 7 нафар битирувчининг 4 нафарида халқаро ва миллий даражадаги сертификатлар мавжудлиги мактабда рақобатбардош кадрлар етишиб чиқаётганидан далолат беради.

“Заковат” интеллектуал ўйини, “Қизлар академияси”, “Мутлоа” ва “Рақамли авлод” каби лойиҳалар ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Таълим даргоҳида 31 нафар ўқитувчи фаолият юритса, уларнинг 5 нафари олий, 7 нафари биринчи то-

шаҳар ёшлар етакчилари томонидан тақдим этилган “Антикоррупция волонтерлари” лойиҳасининг жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги аҳамиятига эътибор қаратиб, уни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида коррупцияга нисбатан мurosасиз муҳитни шакллантиришда муҳим ташаббус сифатида эътироф этди.

Партия етакчиси ўз навбатида “Адолат” СДП ёшларнинг тақлифларига доимо оқилолигини ва уларни амалий қўллаб-қувватлашга тайёргилигини билдириб, “Бор меҳримиз сенга, болажон!”, “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” ва “Одам савдосига қарши курашиш ойлги” каби партиявий лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот берди.

БИРГА МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ!

Ҳар бир инсон жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш, фаол меҳнат қилиш ва ижтимоий кафолатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Жиззах шаҳридаги Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти тизимидаги “Ezgu niyat” ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси имконияти чекланган бўлса-да, ҳалол меҳнати орқали юрт тараққиётига ҳисса қўшаётган инсонларни бирлаштирган ана шундай маскандир.

Сиёсий Кенгаш раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ ушбу корхонага ташриф буюриб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Корхона раҳбари Наргиза Тўйчиевнинг маълум қилишича, айни пайтда бу ерда 27 нафар ходим меҳнат қилади ва уларнинг аксарияти турли гуруҳлардаги ногиронлиги бўлган шахслардир. Ходимлар электромон-таж воситалари ва спорт анжонмалари қисмларини йиғиш билан шуғулланиб, нафақат даромага эга бўлмоқда, балки жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ўз ўрнини топтомоқда.

Ишчилар билан суҳбатда партия етакчиси “Адолат” СДП имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлашни ўзининг устувор йўналишлари билан бири сифатида белгиланганини таъкидлади. Шу мақсадда партия томонидан янги таҳрирдаги Конституциянинг аудиоқотиби ва Брайл алифбосидаги вариантлари тайёрлангани маълум қилинди.



ЁШЛАР ВА ИСЛОҲОТ

Мамлакатимизда ёшлар имкониятларини кенгайтириш, уларни давлат ва жамият бошқарувида жалб этиш бугунги ислохотларнинг марказий вазифаларидан биридир. “Адолат” СДП ишчи гуруҳи ана шу жараёнларнинг амалдаги ижросини ўрганиш мақсадида Ёшлар ишлари агентлигининг Жиззах шаҳар бўлимида бўлиб, ҳудуддаги ёшлар етакчилари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Таъкидлаш жоизки, вилоят марказидаги 40 мингдан ортиқ ёшлар билан ишлашдек масъулиятли вазифа “Адолат” социал-демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги «Ёшлар парламенти» аъзоси, Президент фармонида мубофиқ “Келажак бунёдкори” медалга билан тақдирланган Фарзона Адиловага топширилган. Унинг ушбу юксак эътирофга сазовор бўлиши Жиззахда умидли ва ташаббускор кадрлар шаклланаётганининг амалий тасдиғидир.

Агентлиكنинг шаҳар бўлимида партиянинг 35 нафар маҳалла ёшлар етакчисини бирлаштирган бошланғич ташиклоти фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилаётган манзилли ишлар ўз натижасини бермоқда. Хусусан, “оталик” тизими орқали 423 нафар ёш ҳуқуқ-тартибот органлари масъуларига бириктирилган. Шунингдек, йил бошида аниқланган 258 нафар “огир туқин”даги ёшларнинг 220 нафари (81 фоизи) доимий иш билан таъминланган.

Бундан ташқари, ёшларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш мақсадида “Беш ташаббус олимпиадаси”, футбол ва волебол мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Учрашувда Сиёсий Кенгаш раиси



ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОЙЛИГИ ЮКОРИ САВИЯДА УТКАЗИЛМОҚДА

Сиёсий Кенгаш раиси партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, депутатлари ва фаоллари билан ҳам учрашув ўтказди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қотибиятида ўтказилган мулоқотда одам савдосига қарши курашиш ойлгини ҳудудда юқори савияда ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Партия етакчиси таъкидлаганидек, бугунги кунда одам савдоси жамият учун энг оғирлиги муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу жиноятнинг ижтимоий тармоқлар орқали сохта иш тақлифлари каби “замонавийлашган” турлари ёшлар, айниқса, хотин-қизлар ҳаётига жиддий хавф солмоқда. БМТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 2 миллионга яқин инсон ушбу жиноят қурбонига айланади.

Қайд этилганидек, партия томонидан ўтказилаётган ойлгининг дастлабки 10 кундада республика бўйича

987 та тадбир ўтказилиб, уларга 15 мингдан ортиқ фуқаро жалб қилинган. Бу жараёнлар оммавий ахборот воситаларида 4900 мартадан ортиқ ёрилган.

Йиғилишда Жиззах вилоятида бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида аниқ “йўл харитаси” ишлаб чиқишга келишиб олинди. Унга кўра, таълим муассасаларида ёшларнинг хавфли тақлифларини аниқлаши бўйича тарғибот кучайтирилади, маҳаллий идоралар фаолияти таҳлил қилинади ва жиноят кўп кузатилган ҳудудларда мақсадли профилактика ишлари олиб борилади.

“КОНСТИТУЦИЯ МАЙДОНЧАСИ” БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Фуқаролик жамиятини юксалтириш ва қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Жиззах шаҳрининг марказий ҳудудда “Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан инновацион гоёга асосланган илгор фуқаролик платформаси — “Конституция майдончаси” барпо этилмоқда.

Эътиборга молик жиҳати, ушбу лойиҳа партия Сайловолди дастуридаги “Конституция хйёбонлари”ни барпо этиш тақлифининг амалдаги ижросидир. Жиззах вилояти ушбу юзони ҳаётга таътиб этишда биринчи бўлиб амалий қадам ташлаган ҳудуд сифатида ўрнак бўлмоқда. Мазкур ташаббус партия вилоят кенгаши, “Тараққиёт” нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Куриллаётган майдон барча тоифа фуқаролар учун очик бўлиб, унда декоратив дарахтарлар, фавворалар, ҳуқуқий кўргазма паннолари билан бирга, QR-кодлар орқали Конституциянинг моддалари ва аудиоқотиб версияси билан танишиш имконияти яратилади. Бу орқали аҳоли маданий ҳордик чиқариш билан бирга ҳуқуқий билимларини ҳам оширади.

Робохон Махмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳ вилоятга сафар доирасида лойиҳанинг қурилиш жараёни билан танишди. Қурилиш сифатли ва ўз вақтида яқунлаш, ахборот технологиялари билан бойитиш бўйича тавсиялар берилди.

— Бу каби лойиҳалар жамиятда ижтимоий шериклики, маънавий муҳитнинг соғломлашуви ва, айниқса, ёшлар ўртасида фуқаролик масъулиятининг шаклланишига хизмат қилади, — деди партия етакчиси.

Майдонча жорий йил сентябрь ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

ЙЎЛ ТАРТИБНИ ЁҚТИРАДИ

Бугунги кунда автотранспорт воситаларининг кўпайиши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни тобора долзарб вазифага айлантирмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан яқинда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ўтган йилда ҳайдовчилар томонидан 24 миллионга қоидабузарлик содир этилгани кескин танқид қилиниб, соҳада тартиб ўрнатиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

“Адолат” СДП ишчи гуруҳи Жиззах шаҳридаги “Jizzakh Auto School” автотактаби фаолияти билан танишди. Сиёсий Кенгаш раиси мактабда таҳсил олаётган ёш ҳайдовчилар билан мулоқот ўтказди. Учрашувда ҳайдовчилик маданияти, касб этикаси ва инсон ҳаёти учун юксак масъулият ҳиссини шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.

Марказ раҳбари Мадаминжон Исомовнинг маълум қилишича, жорий йил февралда иш бошлаган мактабда қисқа фурсатда мустаҳкам моддий-техника базаси яратилган. Бугунги кунда бу ерда 3 нафар назария ўқитувчиси ва 12 нафар амалиёт инструктори ёшларга бир неча тоифалар (А, В, ВС, С, Е) бўйича ҳайдовчилик сирларини ўргатмоқда.

Таъкидланганидек, ёшларда шунчаки ҳайдаш кўникмасини эмас, балки юксак масъулиятни шакллантираётган бу каби автотактабларни қўллаб-қувватлаш – йўллардаги тартиб ва хавфсизлиқни таъминлашнинг муҳим омилдир.

Хулоса қилиб айтганда, партия етакчисининг Жиззах вилоятга сафари шунчаки ҳисобот учун ўтказилган тадбирлар йиғиндиси эмас, балки ислохотларнинг оддий инсонлар ҳаётига қай даражада кириб бораётганини ўрганиш, муаммоларни жойида эшитиш ва уларга қонунчилик даражада ечим топишга қаратилган амалий ташаббус бўлди.

Қолаверса, бу жараён Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар, илгари сурилган ташаббуслар, белгиланган вазифалар қозғоғида эмас, оддий инсонлар ҳаётида, маҳалла ва оилалар турмушида қай даражада акс этаётганини бевосита ўрганиш имконини берди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Президент қарорида белгиланганидек, мустақиллик байрамини маҳаллаларда, мактаб ва олий таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида мазмунан бой, миллий гуруҳ ва ифтихор уйғотадиган руҳда ташкил этиш айнаш шу эзгу тамойилларга уйғун ҳаракат ҳисобланади.

“Адолат” партияси мазкур жараёнда ўзининг барча маҳаллий кенгашлардаги депутатлари, фаоллари ва интеллектуал салоҳиятини сафарбар этган ҳолда иштирок этади. Биз учун мустақиллигимизнинг ҳар бир йили – халқимиз ютуғи, келажакимиз пойдеворидир.

Юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, жамиятда адолат ва ижтимоий тенгликни қарор топтириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз. Байрам арафасида барча юртдошларимизни мустақиллигимиз гоёсини чуқур англашга, уни асраб-авайлашга, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишга чорлаймиз.

Сайловчи ва депутат ўртасидаги муносабат ўзаро ишонч, ҳисобдорлик ва жавобгарликка асосланган жараён. Ҳақиқатан, халқнинг ишончи билан сайланган вакил бугун нафақат қарор қабул қилиш, балки жамиятдаги долзарб муаммоларга ечим топиш, фуқаролар тақлиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашда ҳам бирдек фаол бўлиши керак. Биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича ўз сайловчилари олдида ҳисобот бериш, шу асосда олдиндаги вазифа ва режаларни аҳоли иштирокида белгилаб олишга хизмат қилаётган “Депутат билан юзма-юз” учрашувлари Самарқанд вилоятида шу жиҳатдан янада самарали кечмоқда.



Хусусан, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати Нилуфар Жаъфарова сайловчилари билан ўтказган галдаги учрашувда “Дўстлик” МФИдаги Тиббиёт коллежи олдида пиёдалар йўлакчасини чиқиш, “Мерганча” МФИ да ашовчи 3 кишига ногиронлик аравачасини олиб бериш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан 45 тасини бир марталиқ озиқ-овқат тўплами билан таъминлаш, Ургут тумани “Жозмон” МФИдаги таъмирталаб йўлининг 200 метр қисмига асфальт ётқизиш, “Комонгарон” МФИ дан 2 та оиланинг уйини таъмирлашда амалий ёрдам кўрсатганини таъкидлади. Бундан ташқари, депутат партия лойиҳалари доирасида олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича ҳам маълумот берди. Шундан сўнг депутат аҳоли томонидан инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш, электр таъминоти, йўл ҳаракати каби соҳаларда кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш масаласини қўриб чиқди.

Нарпай туманидаги учрашувда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Мавлон Бобохонов ҳам амалга оширган ишлари билан бир қаторда айни пайтда “Адолат” СДП томонидан амалга оширилаётган “Биз одам савдосига қаршимиз” ойлги доирасида жамиятни бу таҳликали ҳолатга нисбатан ҳайвон ва масъулиятли бўлишга қачирди. Депутатлик бурчи — ҳар бир сайловчи учун доим очик бўлиш, уларнинг овозини эшитиш ва амалий ҳаракат билан жавоб беришдан иборат эканини қайд этди. Учрашув давомида аҳоли томонидан иш ўринлари яратиш, ички йўллар таъмири, ёшлар бандлиги, ижтимоий ёрдам ва соғлиқни сақлаш соҳаларида бир қатор муқоабалар бўлди. Мавлон Бобохонов бу масалаларни назоратда олиб, улар юзасидан аниқ чоралар қўрилишига ваъда берди.

ЭНДИ ОДАМЛАРНИНГ МУАММОСИ

қоғозда ҳал қилинмайди

Халқ ҳокимиятини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида маҳаллий Кенгашларга ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ташвишга солиб келаётган долзарб масалаларни ҳал этиш ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича қатор қўшимча ваколатлар берилди. Конституцияга асосан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўз фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатларидан бири сифатида белгиланди. Олий Мажлис Сенати таркибида Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия, Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ташкил этилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган 20 дан ортиқ қарорлар қабул қилиниб, ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди.

Ташпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
социология фанлари доктори, профессор

Бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш учун **“Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили**ни тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида 2025 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”**ти фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш, фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштирок этишига оид демократлаштириш жараёнларини мустаҳкамлаш, ҳудудий бошқарувни **“аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили** асосида номарказлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Фармон билан Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси ҳамда ушбу концепцияни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ташаббускорлигини янада ошириш мақсадида бир қатор ваколатлари маҳаллий Кенгашларга ўтказиш бўйича таклифлар маъқулланди.

Фармон билан бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда маҳаллий бюджет харажатларининг муайян қисминини маҳаллий Кенгаш депутатларининг бевосита ташаббуси асосида шакллантириш амалиётини йўлга қўйиш, маҳаллий Кенгашлар қоида ёшлар ҳамда Маслаҳат гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, маҳаллий Кенгаш раёсати, Кенгаш раиси ўринбосари институтларини жорий этиш белгиланди.

Энди одамларнинг муаммоси қоғозда ҳал қилинмайди. Янги тизим



“МАҲАЛЛА – ТУМАН КЕНГАШИ – ВИЛОЯТ КЕНГАШИ – СЕНАТ”дан иборат бўлади. Муаммо ҳал бўлмаса, шу занжир бўйича юқори органларгача етиб боради. Кенгашлар ўз ҳудудидаги энг долзарб масалаларни Сенат муҳокамасига олиб чиқиши мумкин бўлади. **“Маҳалла еттилиги” + депутатлар дастурларни бирга тузади**, самарали ҳамкорлик йўлга қўйлади. Бу янги механизм – муаммо қадерда пайдо бўлса, ўша ерда ечим топилади, дегани.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси доирасида ҳоким ўринбосарлигига номзодларни маҳаллий Кенгаш доимий комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама қилиш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш бўйича **“Кенгаш соати” институтини** жорий этиш, фуқароларнинг маҳаллий Кенгаш сессияси ишини бевосита қулатиши бўйича тизимни йўлга қўйиш

кўзда тутилмоқда.

Концепция доирасида маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолияти самарадорлигини оширишга, ҳудуд манфаатларига оид ҳамда аҳоли томонидан кўтарилаётган муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича имкониятларни кенгайтиришга, қарорлар қабул қилишда очиқлик ва шаффофликни таъминлашга оид қатор чоралар белгиланмоқда. Бундан ташқари, **“қулайлик” – “соддалик” – “жавфсизлик” тамойили** асосида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини босқичма-босқич татбиқ этиш каби чораларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан концепцияни амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси мувофиқлаштирилади. Шу билан бирга, белгиланган мақсадларга эришишда маҳаллий вакиллик органларига ҳар томонлама кўмаклашиб борилади.

Концепцияга кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари белгиланди.

Хусусан, **биринчидан**, маҳаллий Кенгаш, уларнинг органлари ҳамда депутатларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш, бюджет ва ҳудудларни режалаштириш жараёнларидаги иштирокини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Иккинчидан, аҳоли муаммолари ва ҳудуд манфаатларига оид муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишни **«маҳалла еттилиги» – туман (шаҳар) Кенгаши – вилоят Кенгаши – Сенат** тамойили асосида кучайтирилмоқда.

Учинчидан, маҳаллий Кенгашнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш, қарорлар ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш назарда тутиляпти.

Тўртинчидан, маҳаллий Кенгаш депутатларининг мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини янада кучайтириш белгиланмоқда.

Бешинчидан, маҳаллий Кенгаш фаолиятининг ташкилий-институционал асосларини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш назарда тутиляпти.

Олтинчидан, маҳаллий Кенгаш фаолиятини ўзаро ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, **еттинчидан**, маҳаллий Кенгаш фаолиятини тўлиқ

рақамлаштириш, **«E-Kengash»** электрон платформасини такомиллаштириш каби вазифалар амалга оширилади.

Бу **“Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш”** концепцияси мамлакатимизда маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш ва жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳаёт даражасини яхшилашга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланишини кўрсатади.

Шунингдек, маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини аниқлаш ва уларни қондиришда маҳаллий давлат органларининг ролини кучайтириш имконини беради. Шу билан бирга, қонун устуворлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлаш, фуқароларнинг маҳаллий бошқарув жараёнларида фаол иштирокини рағбатлантириш ҳам концепциянинг муҳим вазифалари саналади.

Жамият учун ушбу концепциянинг аҳамияти катта. **Биринчидан**, маҳаллий давлат ҳокимиятининг самарали фаолияти орқали ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос муаммолари тез ва мақбул тарзда ҳал этилади. Бу эса аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланишига олиб келади. **Иккинчидан**, фуқароларнинг маҳаллий бошқарувдаги иштироки орқали демократик тамойиллар чуқурлашади, жамиятдаги адолат ва тенглик тамойиллари мустаҳкамланади. **Учинчидан**, маҳаллий вакиллик органлари ва ижроия ҳокимияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик кучайиб, давлат бошқаруви тизими янада шаффоф ва самарали бўлади.

Концепциянинг асосий вазифаси – маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини кучайтириш, жамоатчилик билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ва маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини аниқлашда уларнинг ролини оширишдан иборат. Бу эса маҳаллий даражада қарор қабул қилиш жараёнларини тезлаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш имконини беради. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари аҳоли манфаатларини ифодалашда муҳим восита ҳисобланади. Концепция уларнинг ҳуқуқий ва молиявий имкониятларини кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва замонавий бошқарув усулларини жорий этиш йўлида қатор чора-тадбирларни назарда туттади. Бу эса маҳаллий даражадаги муаммоларни тез ва самарали ҳал этиш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, **“Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш” концепцияси маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, уларнинг имкониятлари ва салоҳиятини кенгайтириш, шу билан бирга, жамиятда демократик тамойилларни мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ушбу концепциянинг амалга оширилиши орқали мамлакатимизда маҳаллий бошқаруving самарадорлиги ошади, аҳоли ҳаётининг сифатли томонга ўзгариши таъминланади. Асосийси, у мамлакатимизда демократияни чуқурлаштириш, ҳудудларни барқарор ривожлантириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қиладиган муҳим стратегик ҳужжатдир. Ушбу концепциянинг амалга оширилиши орқали Ўзбекистонда маҳаллий давлат бошқаруви янги босқичга кўтарилб, жамиятнинг барча қатламлари учун қулай ва адолатли бошқарув муҳити яратилади.**

ниб, яхши иш қилганлиги учун тақдирланса, у яхши ишини фақат фойдаси учун қиладиган бўлади.

Айтадиган гапининг ҳаммаси ҳақиқат бўлиши зарур, аммо бу ҳамма ерда ҳақиқатни айтиш зарур, дегани эмас.

Депутат аралашгач

Хабарингиз бор, сўнгги пайтларда телефон орқали фирибгарлик, сохта банк операциялари ёрдамида айрим фуқароларнинг ҳуқуқий билимсизлигидан фойдаланган ҳолда мулкани ноқонуний йўл билан эгаллаш ҳолатлари ортиб бормоқда. Ачинарлиси, шундай ҳолларда жабрланувчилар дардига дармон бўлиши керак бўлган мутасадди идоралар ва назорат органларининг лоқайдлиги фуқароларнинг адолатга бўлган ишончига путур етказяпти.

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ



Шу каби ижтимоий оғир вазиятга тушиб қолганлардан бири – пойтахтда яшовчи Иккинчи жаҳон уруши фронт орти қатнашчиси Лидия Ермолова ва унинг қизи Ирина Балушкина бўлди. Гап шундаки, улар фирибгарлик қурбонига айланиб, ўзларининг яшаш уйидан маҳрум бўлди. Телефон орқали амалга оширилган сохта операция натижасида уй сотувидан тушган маблағлар қалбаки банк ҳисоб рақамларига ўтказилиб, катта моддий ва маънавий зарарга учрадилар.

Шундан сўнг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига киритилган мурожаат асосида жиноят иши қўзғатилди, бироқ жорий йилнинг март ойидан бошлаб тергов ҳаракатлари секинлашди. Бу орада янги уй эгалари томонидан Миробод туманлараро фуқаролик судига Ермолова ва Балушкинани уйдан чиқариш бўйича даъво аризаси киритилди. Ушбу вазият ижтимоий тармоқларда ҳам кенг тарқалиб, жамоатчиликда катта муҳокамаларга сабаб бўлди ҳамда меҳнат fronti қатнашчисига нисбатан адолатсиз муносабат кескин танқид қилинди.

Аҳамиятлиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Гулруҳ Агзамова ҳолатга алоҳида эътибор қаратгани ва ҳал қилишга киришгани муаммога тез фурсатда ечим топилишига замин яратди.


– *Дастлаб масъул идоралар билан ҳамкорликда ҳолатни батафсил ўрганиб чиқиб, Олий суд томонидан ташкил этилган сайёр қабулга киритдик, – дейди Гулруҳ Агзамова.* – Шунингдек, мурожаат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими томонидан назоратга олинишига эришдик. Қўрилган чоралар натижасида Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Киберхавфсизлик бошқармаси томонидан фирибгарлар шахси аниқланди ва тегишли жиноий жавобгарликка тортилиши таъминланди. Энг муҳими, уй ўз эгаларига қайтарилди.

– *Онам билан бош уриб бормаган ташиқлотимиз қолмади, – дейди Ирина Балушкина.* – 95 ёшли меҳнат fronti қатнашчиси экани ҳеч кимни қизиқтирмади. Уйимиз қўлдан кетди, бошпанасиз қоламизми, деб қуйингандик. Бундай пайтда ҳатто суяйдиган одам ҳам топилмас экан. Бироқ “Адолат” партияси депутати Гулруҳ Агзамованинг амалий кўмаги билан масаламиз ҳал бўлди. Бу фақат бир инсоннинг ёрдами эмас, “Адолат” партиясининг инсон манфаатини энг устувор мезонга айлантиргани, ҳақиқий ижтимоий адолат тамойилларини амалда намоён этган ҳолат бўлди. Шундай инсонпарвар депутат ва партиямиз борлигидан мамнунмиз.

Айни пайтда депутат Гулруҳ Агзамова 95 ёшни қаршилаган Лидия Ермолованинг соғлиги, рухий ҳолати ва ҳаётий барқарорлигини таъминлаш борасида ҳам ёрдам беришни давом эттирмоқда. Ҳа, бу нафақат адолатни амалда қарор топтириш, балки жамиятда инсон манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим қадамлардан бири бўлди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

“Adolat” маслаҳатхонаси



Қонунчиликка мувофиқ ер эгаси қўшни ер эгасининг еридан фойдаланишни талаб қилиши мумкин (сервитут ҳуқуқи).

Сервитут қуйидаги мақсадлар учун белгиланади:

- ЕРДАН ПИЁДА ВА ТРАНСПОРТДА ЎТИШ;
- ЭЛЕКТР, АЛОҚА, ҚУВУР ЛИНИЯЛАРИНИ ЎТКАЗИШ;
- СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА БОШҚА ШУ КАБИ ҲОЛАТЛАР.

Ерга сервитут белгиланиши ер эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди.

Сервитут уни талаб қилган шахс ва ер эгаси ўртасидаги битимга асосан белгиланади.

Агар икки тараф келиша олмаса, ушбу масала фуқаролик судида кўриб чиқилади. (<https://lex.uz/docs/111189%153852>)

Кант ҳикматлари

(Иммануэл Кант, 1724-1804 йилларда яшаган немис файлайсуфи)

✓ Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгиловчи ҳеч нарса қолмайди.

✓ Агар бола ёмон иш қилганлиги учун жазола-



САЊЪАТ МИЛЛАТНИНГ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИНИ НАМОЁН ҚИЛАДИ

Яқинлашиб келаётган энг улуг ва энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тانتаналари қалбларимизда алланечук ҳисларни уйғотмоқда. Зеро, бугунги кунда жаҳонда юзага келган таҳликали беқарорлик шароитида Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини сақлаб, уни янада мустаҳкамлашга интилоқда ва бу борада аниқ муваффақиятларни намойиш этмоқда.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
“Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари” қўмитаси раиси ўринбосари**

“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори мамлакатимиз аҳолисини бир мақсад остида бириктирди. “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” дея янграган шир халқимизнинг ҳар бир вакилига қарата йўлланган китоб бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ҳамжиҳатлигимизга янги куч-қувват бағишлади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича саккиз йил олдин бошланган кенг кўламли ислохотларимиз юртимизнинг барча соҳаларини мукамал қамраб олди. Инсон манфаатлари мамлакатимизда амалга оширилган ҳар қандай юксалишининг асоси, ғояси этиб белгиланди. Янги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, Ўзбекистон инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамма нарсадан устун турадиган ижтимоий давлатга айланди. Унга кўра, ҳар бир инсон ўзининг кенг имкониятларидан самарали фойдаланиб, ўз салоҳиятини тўлалигича амалга оширишга қобилиятли бўлиб бормоқда.

Бу борада таълим соҳасида амалга ошган ислохотларни тилга олишимиз зарур. Бугунги кунга келиб, мактабга таълим тизимида қамров 2017 йилдаги 27 фойздан ҳозирги пайтда 77 фойзга, олий таълимда эса 9 фойздан 42 фойзга ошиб, юртимизда ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблари ва Президент мактаблари каби янги моделдаги мактаблар тизими яратилди.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пайдовар яратишдек миллий ғоянинг дастлабки босқичида таълимнинг санъат ва маданият йўналиши соҳасини ривожлантириш борасида халқимизнинг миллий ва умуминсоний маданий-маънавий қадриятларига тўлақонли риоя қилиш ислохотларимизнинг бош мезони бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда республикада болалар учун 400 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилди. Улардан аксар қисми янгидан қуриб битказилган бўлса, қолган қисми бутунлай реконструкция қилиниб, замонавий таълим бериш стандартларига мослаштирилди.

Ёш авлоднинг музикаий таълим олиш тизимини ислох этиш чоғида ўқув масканларининг моддий-техник базаси, музикаий қолғулар янгиланиб, ўқув ада-

датлар хореография академияси ташкил этилди. Шунингдек, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби тизимидаги Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб академия тизимидаги Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатига айлантирилди.

Рақс санъатининг тўртта ҳудудий мактабини назарда тутган ҳолда, Бухоро, Қарши, Нукус ва Урганч шаҳарларида академия ҳузурида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари ташкил этилди. Таълимнинг ушбу бўғини Ўзбекистон рақс санъати соҳасида маданий меросга оид барча йўналишларни сақлаб қолиш ҳамда бу борада етук малакали кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда ўзбек музика маданияти тизимида миллий меросни қўлаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштиришга қаратилган яна иккита олий таълим муассасаси ташкил этилди. Булардан биринчиси, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музика санъати институти бўлса, иккинчиси Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада институтидир.

Иккала олий таълим муассасаси ҳам ўзбек музика санъатига оид бўлган иккита мукташам қатлам – мақом ва эстрада ижрочилиги санъатини ривожлантиришга қаратилди. Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музика санъати институтида мақом ҳамда бахшичилик санъати йўналишида ижрочилар тарбияланади. Шунинг билан ҳамда бахшичилик санъати оғзаки аънаёндаги маданий мерос бўлиб, давлат таълим муассасаларида ўқитилмаган. Ушбу санъат тури фақатгина Хоразм, Сурхондарё ва Қорақалпоқ халқ ижрочилари ўртасида устоз-шогирд аънавалари асосида авлоддан-авлодга ўтиб, ҳаваскорлик сифатида бугунги кунга етиб келган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бахшичилик санъати ўзбек халқининг миллий музикаий номодий мероси сифатида бугунги кунда тарихимизни тиклаш ва ағлаш борасида муҳим элемент сифатида майдонга чиқар экан, бу борада ёш авлодни соҳага қизиқтириш орқали миллий меросимизнинг кадр-қимматини улуғлаш ва умрбоқийлигини таъминлашга эришамиз.

Жаҳон таълим маданиятида эстрада санъати бугунги кунда мутлақо янги босқичга чиқди. Музикаий ифодавийлик, янги бадийий образлар, ранг-баранг ижрочилик услублари, сахна безаш маданияти каби томоша санъатининг янги замонавий талаблари бугунги кунда ўзбек эстрада музикасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Демак, бу борада тизимли ижодий изланиш, ифодавийликка эришишнинг янги усулларини топиш, эстрада музикасининг мавжуд муаммоларига оид кенг қамровли янги таҳлилий тадқиқотларни ўтказиш зарурати аён бўлмоқда. Шу боис ҳам, эстрада санъатида ихтисослашган таълим йўналишининг мустақил ўқув муассасаси сифатида фаолият юритиши бугунги кунда малакали кадр етиштириб чиқаришнинг самарали усули бўлиб хизмат қилади.

Таълим тизимининг санъат ва маданият йўналишида олиб борилаётган бугунги ислохотлар ўзининг ижобий натижасини узоқ куттирмади. Бу соҳада



ЕТУКЛИККА КИТОБСИЗ ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ



**Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Ота ибрати

Ўғил бола ибратни отадан олади. Отажоним ўрта маълумотли оддий чўпон бўлса ҳам, китобга меҳри баланд, зиёли инсон эди. Тилидан ҳикмат дурлари тўқиларди. Хожа Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр ҳикматларини ёддан оҳангга солиб айтар, Қуръони Каримдаги пайғамбарлар қиссаларини тингловчининг қалбини титроққа солдиган даражада татъирли қилиб сўзлаб берарди. Таомни ниҳоятда кам ер, парҳезза эътибори баланд эди. Ҳар қандай лазиз овқат бўлса ҳам, ўзлари белгилаган меъёрдан заррача ҳам ортиқча истеъмол қилмас эди.

Ғайрати-шижоати баланд бўлиб, чавандоз сифатидаги шуҳрати Қашқадарё ва Сурхондарёдан ўтиб, Туркменистон ва Тожикистонга етиб борган. Эл ичида Абдулҳаким чобогон номи билан машҳур бўлса-да, табиати нозик эди. Сўзни инжа ҳис этарди. Ҳалоллик ва поклик тимсоли эди.

Икки акам Тошкентга ўқишга кетаётганда отажоним уларга ижара уй ва кундалик эҳтиёжларига етарли пул бергач: “Болам, мен ўқишга киришингни тилаб дуо қиламан. Лекин сени ўқишга олиб кира олмайман. Ўз кучинг билан ҳаракат қилишинг керак. Ўқишга кира олмасанг, таёқ ола келгин, чўпонлик қиласан!” дедан. Иккаласи ҳам биринчи йили институтга кира олмагач, уйга қайтиб қўй боққан. Буни қўриб, қаттиқ ўқимаса бўлмас экан, дедан хулосага келганман.

Она тарбияси

Мен мактабни тугатгач биринчи йилиёқ ўқишга қираман, олим бўламан, дедан орзун уш олдимга қўйганман. Отажонимдан олий ўқув юрти имтиҳонларига тайёргарлик кўришим кераклигини айтиб, мени ҳар кун саҳар соат 3⁰⁰ да уйғотишни илтимос қилганман. Мунтазам равишда тонгдан соат 3⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача уч соат дарс қилар, соат 7⁰⁰ гача мол-ҳолга қараб бўлгач, нонуштадан сўнг мактабга шошиллар эдим.

Қиш кунларида совуқ хонада дарс қилардим. Деворга жаҳон ҳаритаси осилган бўлиб, тарихдан дарс қилганда, картадан зарур давлат ва шаҳарларни кўрсатиб, мавзуларни астойдил такрорлар эдим. Ҳар қандай одамда ҳам дангасалик бўлади. Ҳамма гап уни енгилди. Баъзан секингина печка ёқишга тутинардим, печка қизий бошлагач: “Ўтириб дарс қилсам-чи?” дедан савол туғилар, кейин етиб ўқиш истаги пайдо бўлар, печка иссиғи элитганидан уйқуга кетганимни ўзим ҳам билмай қолар эдим. Ана шу лаҳзада хонага онажоним кириб келар:

– Болам, сен университетга кирмоқчи, олим бўлмоқчи эдинг-ку... Бу ухлашда қандай олим бўласан? – дея саволга тугатарди.

Уялиб кетганимдан ухлаб қолмаслик учун юриб ўқирдим. Кейин дарса қизиқиб кетганимдан вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қолардим. Шу тариқа 7-10 синфлар давомида тўрт йил ҳар тонгда уч соатдан тайёргарлик кўрдим. Меҳнатларим зое кетмади, ниятимга етдим.

Университет: олимлик сари йўл

1983 йили Тошкент давлат университетини Ўзбек филологияси факультетига ҳужжат топширдим. Илк борган куним университет ҳовлисида юриб кетаётганда ҳам китоб ўқиётган йигит-қизларни кўриб, ҳайратим ошган. Буларнинг билими осмонга етган бўлса керак, деб ўйлаганман. Кейинги сафар келганимда мен ҳам уларга ўхшаб ўқишга ҳаракат қилганим ёдимда. Она тили ва адабиётдан ишчи ҳамда оғзаки, тарих ва чет тили – тўрт имтиҳоннинг барчасидан “яхши”, яъни “4” баҳо олдим. Аттестатим “5” балл бўлгани учун 21 балл билан ўқишга қабул қилиндим. Университетга қабул қилинганимиз эълон этилганда, бу дунёда мендан бахтли одам йўқ эди.

Курсдошларим ичида олдинги сафларда таълим олдим. “Интилганга толе ёр” деганларидек, университетни битиргач, 1994 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Кўлэмалар институтида “Фурқат асарларининг кўлэмалар манбалари” мавзусида номзодлик, 2004 йили Ўзбекистон Миллий университетида “Фурқат ҳаёти ва ижодининг хоржиди даври: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси” мавзусида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдим. Аввал доцент, кейин профессор илмий унвонини олдим. 2002 йили “Шуҳрат” медали, 2023 йили “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Ҳануз ҳаётимни китобсиз тасаввур эта олмайман!

Миллат маънавиятига хавф солувчи тасвирлар

Бугуннинг гапи

Якинда интернетда бир сериалдан олинган видео-лавҳага кўзим тушди. Лавҳада кайнота билан келин ишкий муносабатга киришган. Бу жуда ҳам уятсиз, ниҳоятда оғир, ўта жирканч эпизод эди.

Бу фильмни кўрган ўғилларда ўз отасига нисбатан шубҳа уйғониб, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, “Ҳамма қайноталар ҳам шундай ишни қиладими?” деган фикр кўп ўғилларнинг хаёлидан ўтмасдан қолмайди. Миллионлаб қайноталар шу лавҳа туфайли ўз оиласида хижолатда яшайди.

Абдукамол РАХМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Интернет тармоқларида кўпчилик ватандошлар қолдирган фикрларни ҳам ўқидим. Менга таскин бергани юртдошларимиз фильм ижодкорларига нисбатан кучли нафратда эканидир.

Қайнота-келин... Ҳа, сўнгги пайтларда ўзбек халқи маънавиятига бузуқликни сингдираётган, айниқса, қайнота ва келиннинг, ота ва қизнинг инсонга хос бўлмаган сохта сиймосини яратиб, ишкий суҳбатлар қаҳрамонига айлантираётган уятсиз, шармандали, беҳаё видеоматериаллар кўпайиб бораётгани сир эмас.

Қайнота-келин, ота-қиз ёки бошқа қариндошлик ришталар остидаги инсонлар ўртасида иснодли муҳаббатни тасвирлайдиган катта-кичик фильмлар ота билан ўғил, она билан қиз ўртасига шубҳа соладиган, оилалар нуфузига салбий таъсир қиладиган энг оғир ва жирканчли воситагина бўлиб қолмай, жамиятда маънавий таназзулни ҳам кучайтиради, ёшлар онгини-ю қалбини бузиб, уларда катталар ҳақида шубҳа, ёмон фикрлар уйғотади. Тасаввур қилинг, мазмун-моҳияти ҳаёсиз муносабатлар, оилавий жанжаллар ва қарама-қаршиликлардан иборат сериалларни кўрган бошқа халқлар орасида ўзбек

миллатига нисбатан қандай фикрлар уйғониши мумкин?

Бу каби уятсиз, халқимиз одоб-ахлоқига зид бўлган сценарийлар асосида яратилган ва яратилаётган сериаллар, жамиятни маънавий инқирозга етаклайди. Шундай экан, бундай “санъат асарлари”ни нафақат ёш авлод тарбиясига, балки умуммиллий маънавиятга жиддий таҳдид, деб қараш керак.

Улар ўзига хос “драматургия” сифатида тақдим этилиб, миллионлаб ёшлар, айниқса, ўсмирлар онгини заҳарлаб, маърифат ўрнига фаҳшни, муқаддас маънавият ўрнига бузуқликни сингдиришга хизмат қилмайдими?

Айрим сериалларда баъзи ҳолларда ўғил уйда бўлмаган пайтда қайнота келин билан “ҳиссиёт”га берилади ёки аёлидан ранжиган ота қизининг бағридан “паноҳ” излаб, ором топади. Бундай ахлоқий меъёрларга зид воқеаларни санъат асари деб баҳолаш ва намойиш этиш, менимча, маънавий қашшоқликдир.

Ваҳоланки, санъат инсон қалбига таъсир этадиган кучли восита экан, унинг зарари бир кунлик эмас, балки бутун авлоднинг он-

гида из қолдиради. Ҳар бир санъат асарида масъулият биринчи даражали мажбурият бўлмоғи лозим. Чунончи, санъат – ахлоқий юксакликни ва жавобгарликни талаб қилади.

Биз эндиликда фақат янги технологиялар билан қуролланидиган эмас, балки юксак маънавият ва ахлоқ асосида ривожланидиган жамият қураёلمиз. Бунинг учун эса миллий қадриятлар, оилавий муқаддаслик ва маърифат тарғиботи кино, сериал, ижтимоий медиа каби оммавий платформаларда биринчи ўринда туриши керак. Миллат маънавиятининг биринчи душмани – ахлоқий инқироз. Уни кино ва сериаллар орқали тарғиб қилиш эса шунчаки беҳаёлик эмас, жамиятга қарши қасддан қилинган тажовуздир.

Халқимиз томонидан давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек, жаҳон цивилизациясига

“ФУҚАРОЛАР ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ТАРИХИЙ, МАЪНАВИЙ, МАДАНИЙ, ИЛМИЙ ВА ТАБИИЙ МЕРОСИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШИ ШАРТ. ТАРИХИЙ, МАЪНАВИЙ, МАДАНИЙ, ИЛМИЙ ВА ТАБИИЙ МЕРОС ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУҲОҒАЗА ҚИЛИНАДИ”.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 61-модда.

бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси талабларини эсдан чиқардикми?

Қани, айрим “кино”чиларимизнинг ва бу соҳага масъул давлат органларининг халқ маънавий меросини авайлаб-асрашдаги масъулияти? Қани, инсоний қадриятларга муносабат? Қани, ёш авлод олдидаги масъулият? Қани, қонунларга итоаткорлик ва ҳурмат?

Имом Ғаззолий насиҳатлари

- ✓ Йўл ва кўчаларда тўпланишиб турманг.
- ✓ Суҳбатлашиш учун дўконларни танланманг.
- ✓ Одобсиз, тарбиясиз ва бадхулқ кишилар билан тортишманг.
- ✓ Фикр билдирганда: «Бу – менинг қарашим», деб айтинг.
- ✓ Бирор нарса ёки бирортасини мақтаганда, ошириб юборманг.
- ✓ Яхши гапга диққат билан қулоқ солинг.
- ✓ Хушбўй ҳидли нарсалардан фойдаланганда, меъёрни билинг.
- ✓ Айрим орзулар рўёби учун ўзингизни ўтга-чўққа ураверманг.
- ✓ Сизга нисбатан муомала меъёрини бузганларга ҳам вазмин бўлинг.
- ✓ Бойлар саховати қошида ўзингизни зинҳор камситилгандек ҳис қилманг.

Одамгарчиликдан узоқланиш...

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, кенг жамоатчиликнинг фикрига таянган ҳолда бу каби ижтимоий хавфли қилмишлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш зарур.

Шу мақсадда, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи, шунингдек, хаёқ маданияти ва миллий маънавиятига зид маҳсулотларни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш каби ижтимоий хавфли қилмишлар учун **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги 189³-модда билан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130²-модда билан тўлдириб, жазо чоралари белгилашни тақлиф этаман.**

Зеро, миллий экран – миллат кўзгуси. Унда умуминсоний ахлоқ меъёрларига зид мавзуларни ёритиш – ижод эмас, уятсизлик, беҳаёлик. Бизнинг санъатимиз фақат поклик, маърифат ва қадриятларга асосланган, миллатимизнинг шаънини улуғлайдиган, обрўсини кўтарадиган, буюк аждодларимиз сиймосини, халқимиз ютуқларини, мамлакатимиз тараққиётини намойиш этадиган фильмлар яратиш учун хизмат қилсин. Ўшанда биз Ватан олдидаги фарзандлик бурчимизни садоқат билан бажарган бўламыз.

- ✓ Сўз бердингизми, бажаришга қатъийлик билан киришинг.
- ✓ Фақат ва фақат рост гапиринг.
- ✓ Ҳар ерда мақбул сўз айтинг, чиройли гапиришга ҳаракат қилинг;
- ✓ Вужудингиз роҳатини истасангиз, оз енг ва оз ичинг.
- ✓ Тингловчингиз бўлгандагина гапиринг.
- ✓ Битта сўзни қайтараверишдан қайтинг.
- ✓ Ҳеч кимни алдаманг, масхарааланг.
- ✓ Сотган нарсангизни ёқтирмай, қайтариб олиб келишса, қабул қилинг.
- ✓ Чанқаганда сув ичишдан олдин оғзингизни чайқанг.
- ✓ Бозорда юрганда, ҳеч кимга озор берманг.
- ✓ Эгасининг рухсатини олмасдан, бировнинг нарсасига тегманг.
- ✓ Оғзингизда луқма билан гапирманг.
- ✓ Гапирганда қўл, бармоқлар билан ортиқча ишорат қилманг.

Бугунги кунда бу оддий маслаҳатларга амал қилиш фаросатлилик белгисидир.

Хушхабар

Партиядошимизнинг ижодий ишлари

“Зомин семинари”да юқори баҳоланди

Жорий йилнинг 7–9 июль кунлари Жиззах вилоятининг Зомин туманида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан таъсис этилган “Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари – 2025” ўтказилди.



Унда 130 нафардан зиёд ёш ижодкорлар назм, наср, драматургия, бадий публицистика, адабиётшунослик, таржима ва болалар адабиёти каби йўналишларда тажрибали устозлардан маҳорат сабоқлари олишди.

Семинарда “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати етакчи мутахассиси, Ёшлар парламенти аъзоси Илҳомжон Абдусаломов ҳам фаол қатнашиб, “Бадий публицистика” йўналишида ижтимоий-сиёсий мавзулардаги таҳлилий-танқидий мақолалари билан ҳакамлар ҳайъати эътиборини қозонди.

Семинар якунида партиядошимиз ҳамкор ташкилотларнинг сертификат, пул мукофоти ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Биз фаол партиядошимизни бу ютуқ билан қутлаймиз.

Бугуннинг гапи

Маҳмуд ИБОЕВ,
фахрий журналист

Интернетсиз неча кун яшай оламан, деб ўзимни синаб кўрдим.

Биринчи куни худди муҳим бир нарсасини йўқотиб қўйган одамдек телбаланиб вақтимни ўтказдим. Иккинчи кун телефонимни гоҳ у қўлга оламан, гоҳ бу қўлга оламан, интернетни ёқиб тугмасига мўлтираб узоқ-узоқ тикилиб қоламан. Шайтон “бир кириб кўр, интернетга, қанча гапдан қолиб кетдинг-а...” деб қулоғимга қуяётгандек бўлади. Учинчи кун “Дамас”да шаҳарга кетаётган талабадан “Интернетда нима гап?” деб ўсмоқчилаб сўрадим. У қулоғидagi микрофон симини узиб, менга ҳайрон қараб қолди. “Об-хавони сўраяпсизми? Ҳозир... ҳозир...”

Тўртинчи куни кашандаларда бўлгани каби сигарет хумори қаттиқ тутиб қолди. Қанчалик уринмайин, ўзимни тутта олмадим. Бешинчи кун узоқ қариндошимизни бориб кўриб келдим. Олтинчи кун томорқада кунимни ўтказдим. Еттинчи кун футбол томошасига бордим. Саккизинчи кун қўшим бомдодга қақирди, икковлон масжидга отландик. Тўққизинчи кун хашарга чиқдим. Қанча ҳамқишлоқларимдан узоқлашиб кетган эканман-а! Ўнинчи кун... Оила дастурхони атрофида “Аҳволлар яхшими?” деб сўрайман жиянимдан. “Аянг қалай?”. У телефондан кўзини узмай, “Яхши, яхши, тоға”, дейди. Яна ниманидир сўрайман. Кутаман. Атайин йўталган бўламан. “Эшитдим... эшитдим... Машиналарни расрочкага чиқаришибди...” “Ол-а, мен бошқа нарсани сўраяпман-ку?!”

Кечки овқатдан сўнг кўчага чиқаман. Маҳалла болалари ҳам у ер, бу ерда телефон ковлашиб ўтиришибди. Пенсиядор қўшнларимга ақинлаша туриб, тоқоқ қирган бўламан. Улар уйимиз олдида ўтадиган зовурга оёқларини осилтирганича, телефондан кўз узмай ўтиришарди. “Эрон Исроилин бошлабди...”, “Абдуқодирга молодец...”, “Англия ўзбекнинг боласига раҳмат айтиши керак, ношукрлар!”. “Хитой босиб кетибди...”. “Ўпкаси йўқ блогер бунча ақиллайди-я?!” “Бу шайтон нусха ким бўлди? Ҳалолдан гапириб, ҳаром юриши нимаси ...”, “Пенсия масаласида яна алдашибди...”

Тоқат қолмади менда. Эрталабдан интернетга кирдим-у, михланиб қолдим... – Яна кирдинми интернетга? – дейди қалбим. – Эссиз... – Йўқ, ярим соатгина кўриб олай... Бошқа кирмайман, – дейман.

Ярим соат ярим кунни, ярим кун бир кунни, бир кун бир ҳафтани етаклаб келади... афсус. Вақтим яна бефойда машгулотларга кўмилди. Яна одамгарчилик унутила бошланди... Меҳр-оқибатдан узоқлашиб бошланди. Лоқайдлик ва субутсизлик бошланди...

Меҳрсизлик, одобсизлик ва ёвузликка олиб келган интернетни ўйлаб топган кимса бир қўлимга тушса эди...